



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Гўзал Умарова

иқтисод фанлари номзоди, ТДИУ "Яшил иқтисодиёт ва барқарор бизнес" кафедраси доценти, ДБА "Менежмент назарияси ва амалиёти" кафедраси изланувчиси. umarovaguzal79@mail.ru

ORCID: 0009-0006-9421-0640

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i12

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатининг стратегик ривожланиши ва уни бошқариш ҳолати таҳлили баён этилган. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим тартибга солувчи дастаги сифатида "Ўзтўқимачиликсаноат" Уюшмасининг самарали бошқаруви ва ривожланиши бутун ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлашга, ишлаб чиқаришнинг жадаллашувига, харажатларининг камайишига олиб келиши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қулай инвестиция муҳити, хорижий инвестициялар, янги бошқарув усуллари, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари, корхоналарни стратегик бошқариш, акциядорлар, қўшма корхона, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация.

АНАЛИЗ СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ТЕКСТИЛЬНОЙ ОТРАСЛИ И УПРАВЛЕНИЯ ЕЮ

Гузал Умарова

кандидат экономических наук, доцент кафедры "Зелёная экономика и устойчивый бизнес" ТГЭУ, соискатель кафедры "Теория и практика менеджмента" АГУ.

Аннотация

В данной статье описывается стратегическое развитие текстильной промышленности, которая является одной из ведущих отраслей Узбекистана, и анализ управления ею. Сделаны предложения и рекомендации по тому, что эффективное управление и развитие Ассоциации «Узтекстильпром» как важного регулирующего рычага привлечения иностранных инвестиций приведет к экономии всех производственных и материальных ресурсов, ускорению производства, снижению затрат.

Ключевые слова: благоприятный инвестиционный климат, иностранные инвестиции, новые методы управления, современные стандарты корпоративного управления, стратегическое управление предприятиями, акционеры, совместное предприятие, объем производства, высокая добавленная стоимость, переработка, модернизация, диверсификация.

ANALYSIS OF THE STRATEGIC DEVELOPMENT OF THE TEXTILE INDUSTRY AND ITS MANAGEMENT

Guzal Umarova

PhD (Economic sciences), Assistant Professor of the Department "Green economy and sustainable business Economic of industries" TSEU, Applicant of department «Management theory and practice» AGM.

Abstract

This article describes the strategic development of the textile industry, which is one of the leading industries in Uzbekistan, and the analysis of its management. Proposals and recommendations are made on the fact that the effective management and development of the Uztekstilprom Association as an important regulatory lever for attracting foreign investment will lead to saving all production and material resources, speeding up production, and reducing costs.

Key words: favorable investment climate, foreign investment, new management methods, modern corporate governance standards, strategic enterprise management, shareholders, joint venture, production volume, high value added, processing, modernization, diversification.

Кириш

Жаҳонда глобаллашув ва диверсификация жараёнлари кучайиб бораётган шароитда тайёр ва ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспортнинг стратегик ва иқтисодий ресурс сифатида аҳамияти ортиб бормоқда [1]. Сўнгги йилларда ушбу соҳада мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги экспорти улуши ошиб бориб, хусусан, «Хитой 24 фоизни, АҚШ 19 фоизни, Ҳиндистон 13 фоизни, Покистон 8 фоизни, Ўзбекистон 5 фоизни, Африка мамлакатлари 5 фоизни, Туркия 4 фоизни, Бразилия 4 фоизни, Австралия 3 фоизни, Греция 2 фоизни ташкил этмоқда» [7].

Жаҳон бозорида тўқимачилик маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши ушбу тармоқни янада ривожлантиришда инвестицияларни бошқариш самарадорлигини ошириш долзарб масала саналади. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ўзак тармоқлардан бири саналиб, ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг қўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш», шунингдек, “26-мақсад: Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш. Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, “пастдан-юқорига” тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш. 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш” ва “28-мақсад: Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш [3] каби устувор вазифаси белгиланган бўлиб, мазкур вазифани муваффақиятли бажарилиши республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик ривожлантиришда инвестицияларни бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ф.С.Тумусов (2012) инвестициянинг моҳиятини ёритишда қуйидагича таъриф берган: «Инвестиция пул маблағлари сарфи, даромад қисми сифатида жорий истеъмолда эмас, балки такрор ишлаб чиқаришдаги барча ижтимоий ва шахсий капиталдан фойдаланишни ва натижада, пировард мақсад бўлиб янги, бирмунча

юқори даромад олиш ёки келажакда ижтимоий самарага эришишни ифодалайди». Н.В.Игошиннинг (2000) фикрича, «инвестиция - пул маблағларини сармояни қайта яратиш, уни сақлаб туриш ва кенгайтириш йўлида сарфлашдир».

Француз олими П.Массе ва инглиз олими Дж.Кейнснинг инвестиция моҳиятини аниқлашдаги мавжуд тафовутларда умумий методологик ёндашув ифодаланган. Шундай экан, П.Массе (2011) ёзади: «Инвестициялаш бугунги кундаги эҳтиёжнинг қондирилишини манфаат ёрдами билан унинг келажакда кутилаётганини алмашув актини ўзида ифодалайди». Дж.Кейнс (2000) фикрича, инвестиция ушбу даврга даромадлар, яъни эҳтиёж учун фойдаланилмайдиган қисмини ўзида ифодалайди. Бу «Алоҳида шахс ёки корпорациянинг қандайдир эски ёки янги мол-мулк харидини, қайсики янги инвестициялар даромад ҳисобига турли кўринишдаги капитал мол-мулк харидини» ифодалайди. Кейнс (2000) одамларнинг жамғаришга бўлган мойиллигининг ортиб боришини уларнинг истеъмолга бўлган мойиллигининг камайишида, деб билади.

К.Макконел ва С.Брю (2003) инвестициянинг моҳиятини кейнсчилар моделининг гидрокида, деб биладилар, шунинг учун инвестицияни микроиқтисодий нуқтаи-назардан қараб чиқадилар. Муаллифлар ўзларининг қарашларида «ялпи хусусий ички инвестициялар» тушунчасини «америкалик ишбилармон фирмаларнинг инвестицион сарфлари», деб айтадилар ҳамда улар қўйидагиларни ўз ичига олади: машиналарга барча охирги харидлар, барча қурилишлар, истеъмол қилинмаган маҳсулотлар. Э.Д.Долан ва Д.С.Линдсейлар (1992) инвестиция моҳиятини микроиқтисодий нуқтаи назардан талқин қилиб, улар инвестициянинг мазмунини «Шаклланаётган иқтисодий тизимда капитал ҳажмининг ўсиши, одамлар амал қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари таклифини юксалишида», деб биладилар.

Тадқиқот методологияси

Мақолада тизимли, илмий мушоҳада, иқтисодий статистик, корреляцион-регрессион, иқтисодий математик, SWOT таҳлил, монографик тадқиқот, статистик танланма, гуруҳлаш, қиёслаш, экспертлар баҳоси ва бошқа усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида етарли даражада хом ашё ва малакали мутахассисларга ҳамда ишчи кучига эга эканлиги тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш ва жаҳон бозорларига чиқишда етакчи ўринни эгаллайди [2].

Ушбу тармоқ айниқса, ҳукумат томонидан олиб борилаётган тўғри сиёсат асосида тез суръатлар билан ривожланмоқда. Тўқимачилик саноати корхоналари учун асосий хом ашё сифатида мамлакатда етиштирилаётган пахта толаси бу борада муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жаҳон миқёсида мутахассис олимлар томонидан бир неча хил кимёвий толалар кашф қилишган бўлсада, пахта толаси ўзининг табиий хусусиятлари бўйича дунёда етакчи ўринда туради ва унга бўлган талаб доимий равишда ортиб бормоқда. Шу маънода мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш, янги бошқарув усуллари қўллаш, яъни корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлар ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш талаб этилади. Ўзбекистон тўқимачилик саноати мустақиллик йилларида шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 ноябрдаги 511-сонли ўзлепром давлат уюшмаси корхона ва ташкилотлар бошқарув тузилмасини

такомиллаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ушбу уюшма таркибига кирувчи давлат корхоналари ортиқча бошқарув тузилмаси сифатида тугатилди. Кейинчалик “Ўзлеғпром” давлат уюшмаси таркибидан ҳукуматнинг тегишли қарорларига биноан ипак ва чарм-пойабзал саноат корхонаси ва ташкилотлари чиқарилди. Шу қаторда мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштирилмоқда. “Ўзлеғпром” давлат уюшмаси 10 йил фаолият юритди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги “Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3102-сонли фармонида кўра енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи давлат-акциядорлик компанияси – “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси (ДАК)га айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги “Ўзбекенгилсаноат давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 141-сонли қарорига мувофиқ, дастлаб “Ўзенгилсаноат” ДАК ташкил этилиб, унинг ташкилий тузилмаси таркибига тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж тармоқлари киритилди.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармонида асосан ташкил қилинган. “Ўзенгилсаноат” ДАК бошқарув таркибий тузилмаси охириги вақтлардаги фаолият юритган собиқ “Ўзбекенгилсаноат” давлат уюшмасидан бир қадар, собиқ енгил саноат вазирлигидан эса тубдан фарқ қилади. Масалан, уюшма олий бошқарув органи уюшма кенгаши ҳисобланган, унга кирувчилар корхона раҳбарларидан ташкил топган. Шунингдек, ижро органи – бошқарув аъзолари ҳам унинг таркибига кирган эди. Уюшма кенгашини бошқарув раиси бошқарган. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш, шунингдек тўқимачилик газламаларини ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик маҳсулотларига ва кийимларга безак бериш, кийимлардан ташқари тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (масалан, уй анжомлари, кўрпа, чойшаб, арқон ва ҳ.к.) ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Ўз навбатида, республика тўқимачилик саноати ҳам бир қатор таркибий бўғинлардан ташкил топган. Собиқ “Ўзенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси тизимидаги тўқимачилик корхоналари акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, қўшма ва хусусий корхоналар каби ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатмоқда [13].

Ҳозирги пайтда республикада тўқимачилик саноатининг асосий қисми “Ўзбектўқимачиликсаноат” Уюшмасига жамланган бўлиб, Республика бўйича 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 7 323 та тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик субъектлари фаолият кўрсатган, шундан 11 фоизи тўқимачилик, 89 фоизи тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳисобланади. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси таркибига республикада давлат рўйхатидан ўтказилган тўқимачилик саноати корхоналарининг 1966 таси (26,8 %) фаолият кўрсатмоқда [13].


Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури, ишлатиладиган толаларнинг турига қараб тўқимачилик саноати қуйидаги тармоқларга ажралади.

1. Пахта толасиги ишлов берадиган корхоналар салмоғи - 75 %.

2. Жун толаларига ишлов берадиган корхоналар салмоғи - 15 %.
3. Зиғир поя ва каноп толасига ишлов берадиган корхона салмоғи – 3 %.
4. Ипак толасига ишлов берадиган корхоналар салмоғи - 5 %.
5. Соф сунъий толаларга ишлов берадиган корхоналар салмоғи – 2 %ни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий база ва қулай шароитлар шакллантирилди. Аммо, шу билан биргаликда ушбу тармоқнинг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар чуқурлашиб борганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда тармоқ ривожланишига жиддий тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар кўрсатиб ўтилган. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ўрнига “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси ташкил этилиб, унинг ижро этувчи аппарати белгиланди. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси олий бошқарув органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланган. Амалда қонунчилик ва компания уставига кўра умумий акциядорлар йиғилиши махсус ихтиёрида бўлган масалалардан ташқари компания фаолияти умумий тарзда бошқарувни компания кенгаши амалга оширади. Ушбу бошқарув органи қонунда кўзда тутилганидек, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашини тузиш ва фаолият олиб бориш қоидалари бўйича шакллантирилади ҳамда фаолиятини олиб боради, яъни у ҳақиқатда компаниянинг кузатув кенгашидир. Ушбу уюшма Олий бошқарув органи акциядорлар умумий йиғилиши саналади. Уюшмани бошқариш бўйича асосий ваколатлар акциядорлар томонидан Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган. Уюшма жорий фаолиятини бошқаришни таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши уюшма бошқаруви ижроия органининг таркибини тайинлайди [4].

Уюшма акциядорлари акциядорлик жамиятига нисбатан қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Кузатув кенгаши ва ижроия органи ваколатлари доирасида ўз ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлаши шарт. Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси ушбу ҳуқуқлар таъминланишига мулкдорлик ҳуқуқини рўйхатга олиш, акциядорлар рўйхатини олиб бориш ва сақлаш тегишли техник воситалар ва назорат тизимига, қимматли қоғозлар бозорида юқори обрў-эътиборга эга мустақил рўйхатга олувчи томонидан амалга оширилади. “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси кўрсатилган ҳуқуқларга белгиланган тартибда риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида ахборот бериш тўғрисида қонун томонидан белгиланган талаблар бажарилишини кафолатлайди. Ўз фаолияти тўғрисида манфаатдор шахсларга тўлиқроқ ҳажмда ахборот бериш мақсадида қўшимча ахборотларни ҳам маълум қилади. Тўқимачилик корхоналари тармоғидаги акциядорлик жамиятларининг ўзига хос хусусият шундаки, уларни бошқариш жараёнида нафақат акциядорлар балки, мазкур тузилмаларнинг самарали фаолиятдан манфаатдор бўлган бошқа томонлар ҳам қатнашади. Республикамизда акциядорлик жамиятларини бошқариш борасидаги асосий талаблар 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамият ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда белгиланган. Мазкур қонунга мувофиқ, акциядорлик жамиятларида бошқариш механизмнинг асосини акциядорларнинг умумий йиғилиши; кузатув кенгаши ва ижроия органидан иборат уч бўлин ташкил этади [5] (1-расм).



1-расм. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг бошқарув тузилмаси¹

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади. Унинг ваколатлари жумласига жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил этиш, жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш, жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш, жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ва камайтириш, жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш, умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш кабилар кирди [4].

Жамиятнинг кузатув кенгаши эса жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, мазкур умумий йиғилиш ўтказиладиган санани белгилаш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш, жамиятнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш, жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш, жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш; акциядорлик жамиятининг бошқа ҳўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлиқ битимлар

тузиш каби ваколатларга эга бўлади. Ўз навбатида, жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиял ижроия орган (бошқарув, дирекция) томонидан амалга оширилади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, 2016-2021 йилларда маҳсулот турлари бўйича мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари қуйидагича бўлган:

- ип калава ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 367 минг тоннани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 921 минг тоннани ташкил этган ёки 2,51 баробарга ошган;

- газлама ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 246 млн. кв.метрни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 860 млн. кв.метрни ташкил этган ёки 3,45 баробарга ошган;

- трикотаж мато ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 51 минг тоннани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 298 минг тоннани ташкил этган ёки 5,84 баробарга ошган;

- пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 51 млн.жүфтни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 457 млн.жүфтни ташкил этган ёки 8,96 баробарга ошган;

- трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 204 млн. донани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 1308 млн. донани ташкил этган ёки 6,41 баробарга ошган;

- тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 83 млн. донани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 920 млн. донани ташкил этган ёки 11,22 баробарга ошган.

Ушбу таҳлил натижалари шундан далолат берадики, республикамиз ҳукумати томонидан тўқимачилик тармоғини янада ривожлантиришга жиддий эътиборини қаратган, натижада, айниқса қўшимча қиймат ҳосил қиладиган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш амалга оширилган. Натижада, тармоқнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 12,7 трлн. сўмни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 62,0 трлн. сўмни ташкил этган ёки ўрганилаётган даврда унинг ҳажми 4,88 баробарга ошиши кузатилган. Шунингдек, ўрганилаётган даврда тармоқнинг экспорт ҳажми 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 4,11 баробарга ошди, 2801 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Ушбу тадбирларни амалга оширишда энг муҳим жиҳатлардан бири, республика аҳолиси учун янги иш ўринларининг яратилиши саналади. Тармоқ миқёсида биргина 2021 йилда 401 минг янги иш ўринлари яратилган [13].

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотини яратишда тўқимачилик корхоналарининг роли ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Ана шу келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, уларга таянган ҳолда мамлакатимиз ЯИМини яратишда тўқимачилик саноатнинг тутган ўрни ва кейинги 15 йил давомида унинг тараққиётига хос бўлган муҳим тенденциялар хусусида маълум бир хулосаларни шакллантириш мумкин.

Дастлаб шунинг эътирофи этиш лозимки, таҳлил қилинаётган даврда Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналарининг мамлакатимиз ЯИМидаги салмоғи тебранишлари бир хил бўлмаганлиги кузатилади. Хусусан, 2,28 % дан (2019 йил) 2,31 % гача (2017 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 0,0,3 фоизли банд) бўлишига қарамастан, унинг 2017-2021 йиллар оралиғида, умуман олганда, бир қадар ўсиш

тенденциясига эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу нарса, айниқса, 2020-2021 йиллар оралиғида яққол кўринади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМни яратишда тўқимачилик саноат корхоналарининг роли

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	Мамлакат ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда, млрд. сўм.	Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм.	Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи, %
2017	317 476,4	7 334,0	2,31
2018	424 728,7	10 046,0	2,36
2019	529 391,4	12 080,4	2,28
2020	602 193,0	14 805,9	2,46
2021	734 587,7	19 778,8	2,69

Бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, буни соғлом ҳолат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлсада, 2018-2019 йилларда пасайиш тенденцияси рўй берган. Аммо, тармоқнинг республикамиз мамлакатимиз ЯИМдаги салмоғи улуши ўзгариши ўрганилаётган даврда паст даражадаги ўзгариш тенденциясига эгадир. Масалага мамлакатимизда азал-азалдан етарли даражада ва ҳатто ортиқча хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, вужудга келган вазиятнинг ниҳоятда ўткирлиги янада ойдинроқ намоён бўлади. Унга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш зарурлигини инобатга олган ҳолда назар солинса, вазиятнинг анча кескин эканлигини аниқлашимиз мумкин. Шунингдек, ушбу ҳолат жаҳон бозорининг таркиб топган сегментлари, уларнинг турли мамлакатлар томонидан аллақачон эгалланиш даражаси эътиборга олинган тарзда таҳлил қилинадиган бўлса, мамлакатимиз ЯИМнинг умумий ҳажмида тўқимачилик саноат корхоналари улушининг паст даражада ўзгаришини оддий тарзда изоҳлашнинг иложи йўқлиги маълум бўлади [13].

Республикада ишлаб чиқариладиган пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳисобига юқори қийматли тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш, бунинг учун инновацион технологиялардан ва ишланмалардан самарали фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга фаол жорий этиш, ички, яъни тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириш, устки кийимлар ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш учун, тармоқнинг имкониятларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини 2021-2025 йилларда ва келажакда 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида ўз аксини топган. Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида 2030 йилга бориб газламалар ишлаб чиқариш 2 138,8 млн.кв.м. ташкил этади, бу миқдордаги газламаларни ишлаб чиқариш учун 350,5 минг тонна ип калава сарф қилинади. 525 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш учун - 541,2 минг тонна ип калава, 551,2 млн.жуфт пайпоқ

маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун - 57,7 минг тонна ип калава сарф қилинади. Жами 2030 йилда бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришга 949,4 минг тонна ип калава сарф қилиниши кўзда тутилган, яъни ишлаб чиқарилган ип калава тўлиқ қайта ишланади.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги 4453-сонли “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига биноан 2025 йилга бориб тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,5 марта, калава – 2,7 (1032,5) марта, газлама - 3 (1425,9) марта, тайёр трикотаж мато – 3,1 (546) марта, тикув-трикотаж – 4,1 (3080) марта, тўқимачилик галантерияси -5 (360,5) марта, пайпоқ маҳсулотлари – 1,6 (427) марта ва экспорт ҳажми - 3,3 (7075) марта ошади.

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси бўйича қиёсий нархларда товар маҳсулоти ҳажми 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 212,5 %га ошган ёки 22 трл. 457 млрд. 100 млн. сўмни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналарида 2017-2021 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, тармоққа киритилган инвестиция миқдори ва экспорти динамикаси²

Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	2017	2018	2019	2020	2021	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиши	
							(+;-)	%
Қиёсий нархларда товар маҳсулоти ҳажми	млрд.сўм	10568	12744,2	17248,8	21991,2	33025,1	+22457,1	+212,5
Пахта калава ипи	минг тонна	354,1	410,4	575,2	629,8	862,3	+508,2	+143,5
Тайёр ип газлама	млн. м ²	196,1	235,5	268,3	406,0	716,2	+520,1	+265,2
Нотўқима мато	млн. м ²	26,2	30,3	40,8	42,3	27	+0,8	+3,1
Момиқ	минг тонна	13,4	40,6	67,6	40,6	41	+27,6	+205,9
Трикотаж матоси	минг тонна	65,9	75,6	111,2	119,6	203,8	+137,9	+209,3
Тикув-трикотаж маҳсулотлари	млн. дона	271,8	312,1	432,0	548,1	1 997,8	+1726	+635,0
Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	27,6	68,9	197,3	257,0	450	422,4	+1530
Экспорт	млн. АҚШ доллари	1169	1302,3	1541,3	1868,4	2945,2	+1776,2	+151,9
Инвестиция	млн. АҚШ доллари	250,5	548,1	832,3	712,9	733,2	+482,7	+192,7

Ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари – пахта калава ипи, тайёр ип газлама ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ўрганилаётган даврда мос равишда 145,5 ва 262,2 %ни


ташкил этган бўлса, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши жадал суръатда амалга ошган ва мос равишда 635,5 % ва 1530 %ни ташкил этган. Тармоқда экспорт ҳажми 2021 йилда 2,9 трл. АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 151,9 фоизга ошган.

Бунинг асосий сабаби бугунги кунда юқори қўшилган қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (кийим-кечаклар) ишлаб чиқариш суръати жадал ривожланаётганлигидир.

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналари жаҳоннинг 60 тадан ортиқ давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Хусусан, соҳа корхоналари фаолиятида экспорт миқёсини кенгайтириш ва янги салоҳиятли ташқи бозорларни топиш борасида олиб борилган ишлар натижасида маҳсулотларни йирик миқдорда Россия, Германия, Польша, Туркия, Хитой каби давлатларга экспорт қилишга эришилмоқда.

Шунингдек, компания корхоналарининг тўқимачилик саноати маҳсулотлари халқаро ярмаркаларида иштироки натижасида салоҳиятли инвесторлар билан кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар тузилди. Ҳозирги кунда йирик экспортчи корхоналар томонидан 42 тадан зиёд дилерлик тузилмалари Европа Иттифоқи, МДҲ ва Осиё давлатларида ташкил этилган [13].

Таҳлилларимизга кўра, сўнги йилларда республикамиз тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ва импорти ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 2017 йилда 1134 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб 2927,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган ёки 2,58 баробарга ошган. Ўрганилаётган даврда тўқимачилик маҳсулотлари импорти даражаси ҳам бир қадар ошиши кузатилади. Хусусан, импорт ҳажми 2016 йилда 250,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу миқдор 2021 йилда 733,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган ёки 2,92 баробарга ошган. Шунинг таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган даврда тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажми сўнги йилда импорт ҳажмига нисбатан қарийб 4 баравар ортиқни ташкил этмоқда (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти ва импорти ҳажмлари динамикаси, млн. АҚШ долларида³

Экспорт ҳажми ҳолатини ўрганишда унинг географиясини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнги йилларда “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси корхоналари экспорт географиясини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилган. 2016 йилда “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси таркибига кирувчи ишлаб чиқариш корхонаси 43 мамлакатга, 2020 йилда эса жаҳоннинг 72 мамлакатига ўз маҳсулотларини экспорт қилган ҳамда 2026 йилда бу кўрсаткични 92 тага етказиш режалаштирилган [14].

Шуниси эътиборга лойиқки, 2016 йилда экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотларининг 40 %ини тайёр маҳсулотлар ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 49 %ни ташкил этган ва келгусида 2026 йилда уни 90 %га етказиш режалаштирилган.

Бу шуни кўрсатадики, тармоқда экспортга йўналтирилганлик стратегияси муваффақиятли амалга ошириш олиб борилмоқда. “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси корхоналари экспортида географик тамойилга асосан сегментацияни амалга ошириш натижалари шуни кўрсатадики, асосий сегментни МДҲ мамлакатлари ташкил этиб, умумий экспортнинг 58 %ни ташкил этган, Шарқий Осиё мамлакатлари – 22 %ни, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Туркия – 15 %ни, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари – 1 %ни, Жанубий Осиё мамлакатлари – 1 %ни ташкил этган.

Миллий “пахтачилик-тўқимачилик” кластерларини ташкил этиш ғояси бу пахта хом ашёси етиштиришга ихтисослашган туманларда етиштирилган маҳсулотни чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш асосида юқори қўшилган қиймат яратиш, ички бозорни сифатли ва арзон тайёр тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уларни экспортга йўналтириш ҳисобига мамлакат валюта тушумини кескин ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш тарзини яхшилаш ҳисобланади.

Кластер афзалликларига тизимни ривожлантиришда унинг иштирокчиларининг умумий манфаатдорлиги, жумладан, қишлоқ хўжалигида юқори сифатли пахта хом ашёсини, пахта тозалаш саноатида рақобатбардош пахта толасини, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида экспортбоп тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрда ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда мамлакат тўқимачилик саноатининг юқори даражада ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларни бартараф этишнинг 8 та йўналиши аниқланиб, уларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан, 2018 йилда вилоятларнинг 13 та туманида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари (тўқимачилик корхоналари) номлари ва уларга ажратилган 140,9 минг гектар пахта экиладиган ер майдони ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан: 15 та пахта тозалаш корхоналари ва 68 та пахта тайёрлаш масканлари “Пахта-тўқимачилик”

кластерлари томонидан сотиб олинди ва корхоналарда модернизация ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди; “BEK Cluster” МЧЖ, “Khantex” МЧЖ ва “Оққўрғон Агро кластер” МЧЖлар томонидан янги 3 та пахта тозалаш корхоналари қурилиш ишлари якунланди; кластер корхоналари томонидан 4300дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Республика бўйича 2018 йилда “Пахта-тўқимачилик” кластерларига ажратилган 157,0 мингга ер майдонида 364,2 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилиб, ҳар гектар ердан 23,2 центнердан ҳосил олинган. Жами ҳосилнинг 49,6 минг тоннаси (ёки 13,6 фоизи) қайта ишланиб, 17,6 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлиб, тола чиқиши – 35,5 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, 2018 йил якуни бўйича зарар билан чиққан лойиҳалар ҳам мавжуд. Кластерларга бириктирилган 203 та фермер хўжалик томонидан 28,7 млрд. сўмлик қопланмайдиган кредит маблағлари ва 147 та фермер хўжалигининг 9,8 млрд. сўмлик ҳақдорлиги жами бўлиб 38,5 млрд. сўмлик; кутилаётган қўшимча харажатлар сабабли уларнинг кластерни шакллантирувчи корхоналари 9,5 млрд. сўм зарар билан йилни якунлаган [6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сонли “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сонли “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига асосан 2019 йилда “Пахта-тўқимачилик” ишлаб чиқаришни кластер шакллари ташкил этишни давом эттириш мақсадида, янги 45 та лойиҳани амалга оширишга 350,7 мингга ер майдонини ажратиш, 26 та пахта тозалаш корхоналарини 5 йил муддатда тўлаш асосида сотиш масалалари кўзда тутилган.

Республикада 2020 йилда жами 96 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари фаолият юритмоқда. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари томонидан 2020 йилда 906313 гектар ер майдонида пахта хом ашёси етиштирилди. Бу Республикадаги пахта хом ашёси етиштирадиган умумий ер майдонининг 87,7 фоизини ташкил этади. 2022 йил ҳолатига 124та пахта-тўқимачилик кластери фаолият юритмоқда [6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси ташкил этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, кейинги икки йилда республикада пиллачилик соҳасида 62 та кластер ишга туширилиб, улар томонидан 600 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди [6].

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, тармоқни истиқболда янада стратегик ривожлантириш учун қуйидаги асосий концептуал йўналишлар белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- тўқимачилик саноати тармоғини мамлакат ЯИМдаги улушини ошириш, бунда, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажми ва сифатини ошириш (бунга жами

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва экспорт таркибидаги тайёр маҳсулотларнинг улушини ошириб бориш орқали эришиш мумкин);

- тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шакллари жорий этган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш;

- тўқимачилик саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини халқаро талаб ва стандартларга уйғунлаштириш, шунингдек, маҳсулотлар синов лабораторияларини модернизация қилиш ва аккредитациядан ўтказиш орқали янада такомиллаштириш;

- пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш;

- хом ашё ресурслари тақсимотининг мутаносиблиги ва ташкил этилаётган тармоқ корхоналарининг логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан ўзаро узвий боғлиқликда, шу жумладан, кўп функцияли транспорт-логистика хабларини қуриш, юкларни етказишнинг оптимал йўналишлари ҳамда йўлакларини танлаш, шунингдек, транспортда юк ташиш тарифларини оптималлаштириш орқали жойлашувини таъминлаш;

- юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

- талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича йўналишларни кенгайтирган ҳолда тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг ўқув дастурларини тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, илмий-тадқиқот фаолиятини, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш;

- инновация фаолиятини янада яхшилаш ва инвестиция жозибадорлигини ошириш эвазига янги корхоналарни ишга тушириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Республикамиз трикотаж-тикувчилик тармоғининг ташкилий-техникавий даражасини оширишда бугунги кунда ишлаб турган, аммо ўрнатилган техника ва технологияси бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган бир қатор корхоналарни техникавий қайта қуроллантириш, уларга янги техника-технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Тўқимачилик корхоналарига инновацион инвестицияларни жорий этиш, илғор технологияларни киритиш, янги замонавий маҳсулот ассортиментларини ишлаб чиқаришга қўйиш, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, ишлаб

чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилаш, корхонанинг фойдаси ва самарадорлигини ортишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, тармоқнинг самарали ва стратегик ривожланиши бутун ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлашга, ишлаб чиқаришнинг жадаллашувиغا, харажатларининг камайиши ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Umarova G.G. The role of investment in the country and its theoretical fundamentals International Journal of Scientific & Engineering Research. Volume 11, Issue 10, October-2020, ISSN 2229-5518. India. Pages 1167-1171.

2. Umarova G.G. Strategic development in the textile industry. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249-0892 Vol9 Issue-2, Dec-2019 (12/15/2019) India.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни №233-І “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида (янги таҳрири)”, 1996 йил 26 апрель. Янги таҳрири ЎРҚ-370 сон билан 2014 йил 06 майда тасдиқланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли фармони.

6. Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: Теория. Проблемы. Практика. – М.: Экономика, 2012. – 272 с.

7. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация, управление и финансирование: Учебник для вузов. М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000. - 413с.

8. Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений / Пер. с фр. – М.: Статистика, 2011. – 160 с.

9. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процент и денег. / Пер. с англ. Н. Н. Любимова; Под ред. Л. П. Куракова. М., 2000. С. 54.

10. Макконел К.Л., Брю С.Л. (2003) Экономикс / – М.: ИНФРА-М, – 993 с.

11. Долан Э. Дж., Линдсей Д. Рынок: микроэкономическая модель. СПб., 1992. 496 с.

12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статисти агентлиги расмий веб-сайти

13. www.uzts.uz – “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси расмий веб-сайти

14. <http://www.trustedclothes.com>